

ИСКАНДАР ВА СПИТАМЕН

Бўтана сувли Сирдарёнинг ўнг қиргогидаги қоялар орасида икки киши қўлларини пешоналарига қўйиб, сўл қирғоқдаги манзарани кўздан кечирмоқда. Бошларида ингичка учли наMAT қалпоқ, оёқларида учи қайрилган юмшоқ этик, камар билан танғилган белларида қилич ва ўқ-ёй. Уларнинг бири ўрта ёш, баланд бўйли, сочлари оқара бошлаган, важоҳатидан ҳукмдорларга ўхшайди. Иккинчиси — ундан кичикроқ, гўлабир, миқтидан келган, серҳаракат, кўзлари ўткир одам.

Улар кўм-кўк тепаликлар, сойликларга тикилган мингларча ранг-баранг чодирларни, у ёқдан-бу ёққа юрган ялтироқ дубулғали, совутли юнон аскарларини кузатишмоқда. Барваста киши кенг пешанасини буриштириб, узокдаги чодирлар орасидан чиқиб келаётган оломонга тикилиб қолди.

— Тахшод, қара, улар нима қилаётирлар? Бу нима жиннилик?

Бир тўда киши дарё томон келаётган эди. Улар олдида бир неча созанда най ва дўмбира чалиб келарди. Эчки терисига бурканган, бошига эчки шохи қадаб олган маст-аласт одамлар соқолларини силкитасилкита ашула айтиб, қадам ташлардилар. Устига йўлбарс териси ташланган оқ эшак устига минган йигит ҳам елкасига эчки териси ташлаб олган, бошига энди барг чиқариб келаётган ток новдаларидан гулчамбар таққан. Унинг атрофида башараларини қизилга бўяган ярим яланғоч жувонлар рақс тушар, қўлларига бўғзи ингичка шароб идиш тутган йигитлар эса ашулани баралла куйлаб келар эдилар.

Эрон шоҳига қарашли Кичик Осиё шаҳарларида ёшлигидан аскарлик бурчини ўтаб келган ва юнон тилини оз-моз биладиган, уларнинг урф-одатлари билан таниш бўлган Тахшод илжайиб:

— Юнонийлар ҳар баҳор ток барг чиқарган пайтда шундай вақтичоғлик қиладурлар,— деди.— Хурсандчилик ва шароб худосига мадҳия ўқийдилар, ўшал

худоларининг оти алланима эди, эсимдан чиқибдур. Уртадаги эшак устида ўтиргани — Искандарнинг ўзи. Унинг асли номи — Александр.

— Ие, ростданми? Ўша жиккак йигит уларнинг подшосими, а?!

— Ҳа, йигирма ёшда тахтга ўтирган Искандар — Филиппоснинг ўғли. У ота-боболарининг диний урф-одатларига қаттиқ риоя қилади. Қаранг, Искандар эшакдан ерга тушди, ана, дўнглик устига чиқиб, хониш қилаётган ҳофизларга қулоқ солаётир...

Искандар қадимги юнонларнинг одатига амал қилиб, Дионис байрамини ўтказаетгани учун унинг саркардалари, аъёнлари, айниқса, у билан бирга бир она сутини эмиб ўсган кўкалдоши Клит жуда хурсанд эдилар.

Кейинги вақтларда Филиппнинг ўғли Эрон шоҳлари саройидаги баъзи урф-одатларни қўллаб, яқин дўстларининг таъбини хира қилган эди. Чунончи, Искандар ҳузурига кирганда тобелари эронийлар сингари тиз букиб, ер ўпишлари керак эди. Клит бунга қарши бир неча маротаба норозилик билдирган бўлса-да, подшоҳ унинг гапига парво қилмади. Мана энди подшоҳ дўстларининг кўнгли учун шароб худосига бағишланган тантаналарга қатнашяпти.

Бироқ, бу сафар Искандарнинг кўнгли жойига тушмади. Негаки, ўз элида ибодатхоналар билан қуршалган майдонларда ўтказиладиган бундай байрамда бокира қизлар қўшиқ айтиб, унинг атрофида рақс этар, улардан атрофга маъсумлик ва ифбат ҳиди таралар эди. Бу ерда эса қўшин орқасидан эргашиб келган енгилтак жувонлар унинг теварагини қуршаб олганлар. У: «Туф-э! Хўжакўрсинга ўтказиляетган бу байрам Дионис хотирасига ҳақорат-ку! Қани ўша покиза қизлар, оппоқ соқолли нуроний чоллар?..» дея хаёлидан ўтказиб, калта кўйлаклари остидан болдирлари кўриниб турган, елкалари очик, юзларига упа-элик суртилган суюқоёқ қизларга нафрат билан қараб қўйди.

Агар у ватандошларининг диний эътиқодларини таҳқир этишдан қўрқмаса, ҳозироқ бу тантаналарни тўхтатар эди. Аммо начора? Диониснинг бошидан кечирган саргузаштларини ҳикоя қилаётган ҳофизнинг хонишига сабр билан қулоқ солиш керак. Таомил шу!

Оломон дарё бўйидаги кўкаламзорга ёзилган дас-

турхон ёнига ўтириб, ичкилик базмини бошламоқчи бўлиб турганида чаккасини қонли латта билан боғлаган, дубулғали, чарм совутли бир жангчи от чоптириб келиб, эгардан тушди ва тиз чўкиб:

— Эй, улуғ подшоҳ, шумхабар келтирганим учун мени афв эт? — деб хириллади.

— Айт, нима гап? — Искандар устидаги эчки териси билан бошидаги гулчамбарни четга улоқтирди. Мулозимлар дарҳол унга узун кўйлакка ўхшаш тўқ қизил либосини кийгизиб қўйдилар. Искандар камарини боғлаб, дубулғасини бошига қўндирди. У ўрта бўйли, қотмароқ, кўк кўз, қирра бурунли йигит, ялтироқ дубулға остидаги кўзлари чақнаб турарди. Яқинда чап оёғига ўқ теккан — оқсоқланиб, ҳамон тиз чўкиб турган жангчи тепасига келди.

— Узрушанлар¹ исён қўтариб, Кирополь² шаҳридаги аскарларимизни қириб ташладилар. Жангчиларимизнинг жуда оз қисмигина тоғларга, тўқайларга қочиб қутулди, — деди жангчи ютиниб.

Искандар худди шапалоқ еган кишидек қалқиб кетди.

— А, нима дединг? Узрушанлар? Бошқа шаҳарларда аҳвол қалай, билмадингми?

— Бошқа шаҳарларда ҳам аҳвол шу.

— Ҳаммаси Спитаменнинг иши. Уни қўлга туширмагунча тинчимизни тополмаймиз. Ҳаммаёққа айғоқчиларини юбориб, тақдирига тан берган халқларни оёқлантираётир у, — деди Искандар бир оздан сўнг ҳаяжонини босиб олиб. — Хизмат ҳадясиз қолмасин! Чопарга шароб ичириб, меҳмон қилинглар. Яхшилаб дам олсин, кейин биз билан йўлга чиқади.

У дарҳол саркардаларини тўплаб, қисқача кенгаш ўтказди. Искандарнинг яқинлари Сирдарё бўйида қўшиннинг бир қисмини шакларга қарши қолдириб, қолган қисмини Искандар ва Кратер бошчилигида исёнкор шаҳарлар устига юборишни маъқул кўрдилар.

Сир бўйида етти шаҳар исён туғини кўтарган эди. Амударёдан ўтиб, Сирдарёгача бўлган ерларни осонликча қўлга киритганидан мағрурланиб кетган

¹. Узрушанлар — Сирдарёнинг сўл қирғоғида яшовчи тоғлиқ халқ.

². Кирополь ёки Кирешхата — ҳозирги Уратепа.

Искандар: «Суғдлар, узрушанлар энди менга қарши қўзғолон кўтармайдилар», деб ўйлаган эди¹.

— Юнонийлар оёғи куйган товукдай типирчилаб қолдилар, — деди ҳали ҳам ўнг қирғоқдаги қоялар орасида турган баланд бўйли киши шеригига. — Суғдлар, узрушанлар бош кўтарганга ўхшайдурлар. Искандар илоннинг ёғини ялаган одам. Бошда, Эрон шоҳининг зулмидан сизни озод этаман, деб суғдларни алдади. Унинг гапига лаққа тушиб, пойтахт Мароқанд² дарвозасини унга очиб бердилар. Аммо юнонийлар тоғли халқларни талаб, уларни қуллик занжирига сола бошлаганларида бечораларнинг кўзлари мошдек очилди. Мана энди ғалаён кўтарган кўринадурлар.

— Ҳаммаси сизнинг ишингиз, э улуғ саркарда, — деди Тахшод ҳамроҳига ҳурмат билан қараб. — Сизга Шпитамен деб лақаб қўйганларича бор. Кўзлари мошдек очилган эл-улусга сиз бош бўлсангиз, Искандарни аскар-паскари билан шипириб ташлаймиз.

— Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Жанг учун астойдил бел боғлаб, қўлга қилич олсак, қуёш тангриси бизга ёр бўлғусидур. Шафқатсизликни биздан кўрсин Искандар, — деди Спитамен муштини қисиб. Нафасини ростлагандан кейин Тахшодга ўгирилиб, буйруқ берди. — Энди сўздан ишга ўтайлик, сен шаклар йўлбошчиси Сатрак ўрдугоҳига жўна! Унга саломимни айт, боя айтган гапларимни етказ!

— Хўп, жоним билан. Буйруғингизни бажарганимдан сўнг хизматингизга борурман.

— Яхши. Мен энди Мароқандга йўл олай. Сенга соғ-саломатлик, ишингга ривож тилайман. Хайр!

Спитамен ўрнидан туриб, жарликда учқур отлар билан кутиб турган навкарлари олдига жўнади.

* * *

Юнонийлар даставвал баланд девор билан ўралган Ғоза шаҳрини қамал қилиб, манжанақлардан ўқ ота бошладилар. Қўрғон ҳимоячилари фақат ўқ-ёй ва тош отадиган палақмон билан қурулланган эдилар. Улар камондан ўқ ёғдириб, душман аскарларини тутдай

¹ Искандар Зулқарнайн Эрон шоҳи Дорони енгиб, Шимолий Эрон ва Афғонистонни босиб олгач, эрамиздан илгариги 329 йилда ўттиз минг пиеда ва беш минг отлиқ аскар билан Амударёдан ўтган эди.

² Самарқанднинг қадимий номи.

тўка бошладилар, шоти қўйиб қўрғон тепасига чиқмоқчи бўлганларни эса улоқтириб ташлайвердилар.

Искандар усти ёпиқ, гилдиракли таранлар¹ ясаттирди. Жангчилар бу таранлар билан девор ва дарвозани уриб буздилар. Шаҳарни ишғол қилишда саркарда Кратер ярадор бўлди. Ниҳоят, юнонлар қаттиқ қаршилиқ кўрсатган шаҳарни босиб олгач, ҳамма эркакларни қириб ташлаб, аёллар ва болаларни қул қилдилар.

Исёнкор Кирополни Искандарнинг ўзи бўйсундиришга жазм этди. У истеҳкомдан отилган ўқлар етмайдиган бир тепалик устида жанг манзарасини кузатиб турди. Узун шотиларни қўйиб қўрғон тепасига чиқмоқчи бўлган юнон-македон аскарларини ҳимоячилар найза билан қарши олар, ўқ, тош ёғдириб, уларни қулатиб юборар, тепадан катта тошларни думалатиб, чорпояли таранларни ҳам бузиб ташлар эдилар. Бошда қизишиб жанг бошлаган Искандар ўз қўшини катта талафот бераётганини кўриб, шаҳарни бошқа усул билан олиш устида бош қотира бошлади. У манжанақлардан тош отишни давом эттириш тўғрисида буйруқ берди-да, ўзи бир тўда аскари билан шаҳар қўрғонини айланиб чиқди. Бир жойда шаҳардан оқиб чиққан ёмғир суви деворнинг тагини тешиб, хандақ ҳосил қилган эди. Буни кўриб Искандарнинг кўк кўзлари чақнаб кетди. Бир ҳийлани ўйлаб, илжайиб қўйди-да, қароргоҳга қайтиб, саркарда Кратерни олдига чақиртирди:

— Сен шаҳар ҳимоячиларини чалғитиш учун нариги томонда сурон кўтариб, ёлғондака ҳужум бошла, аммо ўз қўшинингни мана бу дарвоза яқинига тўпла! — деди рўпарасидаги катта дарвозани кўрсатиб. — Дарвоза очилиши билан шаҳарга бостириб кирасан.

— Қандай қилиб? Ким очиб беради дарвозани? — машъал ёруғида дубулғаси ялтираган баланд бўйли саркарда яраланган чап оёғини ушлаб сўради.

Искандар унинг қулоғига бир нарсa деб шивирлаган эди, ижирғаниб турган саркарданинг юзи ёришиб кетди.

Искандар бир тўда соқчиларини эргаштириб, хандақ орқали шаҳар ичига кирди-да, каптарга човут солмоқчи бўлган мушукдек дарвоза томон эмаклаб

¹ Таран — учига темир қопланган узун ёғоч.

кетди. Унинг соқчилари товуш чиқармай дарвозахонадаги соқчиларни ханжар билан ўлдириб, болта билан қулфларни буздилар ва дарвозани очдилар. Юнон-македон қўшини шаҳарга тошқин сувдек бостириб кирди. Ҳимоячилар қўрғон тепасида, шаҳар ичида аскар йўқ эди.

Шаҳар аҳолиси бошда нима воқеа бўлганини билолмай, саросимага тушиб қолди. Баъзи содда одамлар қўрғонга жин-ажиналар бостириб қиряпти, деб ўйлаб, дуо ўқий бошладилар. Кейинроқ қўлида узун найза, бошида дубулға ялтираган македонияликларни кўриб, улар ҳам томлардан, пана жойлардан душманга ўқ ва тош ёғдира бошладилар. Шовқин-сурон, чанг-тўзон ичида тартибсиз жанг бошланди. Тонг ёриша бошлаганда бир чол палақмондан тош отиб, Искандарни қулатди. Навкарлари елкасини ушлаб қолган подшоҳларини дарҳол ўрнидан турғизиб, ярасини боғлаб қўйдилар.

Қўрғон тепасидаги ҳимоячилар эса исканжа орасида қолган, улар ҳам ташқаридан, ҳам ичкаридан ҳужум қилган душманни аранг даф қилиб турардилар. Ниҳоят, мағлубиятга учраганликларини англаб, руҳлари тушиб кетди. Уларнинг кўпи ўлган, ярадорлар кўп эди, бир қисми асир тушди.

— Узрушанларнинг бош қалъасини забт этдик. Энди уларнинг қолган қисмлари ҳам таслим бўладилар,— деди Искандар Кирешхата истехкомидаги кенгашида.— Истило қилинган ерларни шаклардан ҳимоя қилиш учун Яксарт бўйида бир мустақкам қалъа қуришимиз лозим. Шундан сўнг суғдлар устига юриш бошлаймиз. Узрушанлардан асир олинган бақувват эркаклар шу истехкомни қуриб берадилар. Саркардалар унинг гапини маъқуллаб, қўшимча маслаҳатлар бердилар.

— Бу шаҳарга Александрия деб ном берамиз. Юртимиздан энг узоқдаги Александрия шу ерда бўлади,— деди саркарда Андромача.

Кенгашда ўтирганлар унинг гапини маъқуллаб, Искандарни қуриладиган янги шаҳар билан қутладилар.

Яксарт (Сирдарё)нинг сўл қирғоғида ярим яланғоч асирлар харсанг ва хом ғишдан истехком қурмоқдалар. Македонияликлар қўлларида узун таёқ, асирларни тезроқ ишлашга ундайдилар.

Уларни кузатаётган ўнг қирғоқдаги кўчманчилар

қоятошлар орасида туриб, ўқ ва тош отиб, шаҳар қурилишига халал бермоқчи бўлдилар. Искандарнинг ғазаби қайнаб, манжанақлардан бараварига тош отишни буюрди. Тошлар орасига яшириниб олган шаклар Искандарни ҳақорат қила бошладилар.

— Ҳой, Искандар! Мард бўлсанг, дарёнинг бу ёғига ўтиб, биз билан беллашиб кўр, — деб бақирди бир кўчманчи баланд овоз билан. — Эчкиникидек шохингдан кўтариб, ерга бир урамиз-да, қилтириқдек бўғзингдан пичоқ тортиб юборурмиз. Ўша... худойингга сиғиниб бир маъраб юборғайсан!

— Сени чала туққан ўша онангни кўзингга бир кўрсатиб қўямиз! — деди бошқаси мушт дўлайтириб.

— Бу ёққа ўтсанг-чи, эчки боқиб юрган ўн беш яшар бўз бола билан сени беллаштириб кўргаймиз, ўшани йиқитсанг — таслим бўлурмиз.

Искандар уларга ўқрайиб қаради-да, ёнидаги тилмочга бурилиб:

— Булар нима деб бақираётирлар? — деб сўради.

Тилмоч шакларнинг сўзини бир оз юмшатиб таржима қилди.

Жиззаки Искандар бу ҳақоратларга чидай олмай, бир сапчиб тушди-да, саркардаларини тўплаб, шундай деди:

— Мен дарёнинг нариги бетига ўтиб, шаклар билан жанг қилмоқчиман. Агар биз зудлик билан ҳаракат қилиб, уларни тор-мор келтирсак, бунинг овозаси ҳар ёққа тарқалиб, варварларнинг юрагига ғулғула тушади. Аммо уларнинг ҳақоратларига парво қилмай ўтираверсак, бизнинг сабримизни қўрқоқликка йўядилар. Булар заиф экан, деб ҳарёқдан исён оловига мой сепаверадилар. Кейин ўтни ўчириш қийин бўлиб қолади.

— Биз дарёдан ўтсак, улар қочиб, бизни сувсиз чўл ичига олиб кириб кетадилар, — деди эҳтиёткор бўлиб қолган Кратер. — Ёв қочганда қизишиб кетган аскарларимизни тўхтатиш қийин бўлади. Доро аскарларининг куни келмасин бошимизга...

Бу гапни эшитиб, Искандарнинг жаҳли чиқди.

— Мени Доро билан, македонияликни варварлар билан солиштиряпсанми? Ҳайф сенга! Эҳтиёткорлик ҳам эви билан-да. Вақти келганда таваккал ҳам қилиш керак. Тақдир ва омад тангриси Фортуна ҳар вақт таваккалчига ёр ва мадаккордир!

— Масалани узил-кесил ҳал қилишдан олдин

худоларнинг хоҳишини сўраш керак, — деди саркарда.

Искандарнинг амри билан пешанасини оқ латта билан танғиб олган баланд бўйли, кекса қуръачи Аристандр қўлида узун пичоқ билан ҳозир бўлди. Мулозимлар қурбонлик сўйиладиган тош устидаги пардани олиб ташлаб, унинг ёнига оғзи тор кўзача келтириб қўйдилар ва тош устига шароб сепдилар. Арқон билан судраб келтирилган бир қўчқорни Аристандр сўйиб бўлгач, тош олдида қўлини баланд кўтарганча Аполлонга мурожаат қилиб:

— Эй, рўйи замин ва фалакка нур таратиб, бутун жониворларга ҳаёт бағишлаган қуёш ва зиё тангриси, санъаткорлар ҳомийси Аполлон, сенга ҳамду санолар ўқиб, беҳад миннатдорчилигимизни изҳор этамиз... — дея сигина кетди. Сўнг шодлик ва шароб худоси Дионис, тақдир ва омад тангриси Фортунага ҳамду санолар айтиб, дуо ўқишга киришди. Бир оздан кейин Искандарга юзланиб: — Эй, машриқ ва мағрибнинг улуғ подшоҳи Александр! — деди тантанали овоз билан. — Сенга маълум ва равшан бўлғайки, мангу худолар хоҳишингни маъқул кўрмадилар ва Яксартнинг ўнг соҳилига ўтсанг, фалокатга учрашингдан башорат бердилар.

Искандарнинг ранги ўчиб кетди. Қуръачининг башорати, ёш бўлишига қарамай анча тажриба орттирган бу улуғ саркарданинг режаларига зид эди. «Наҳотки худолар ҳозирги вазиятни яхши тушунмасалар, — деб ўйлади у гижиниб. — Ўнг қанотимизни босиб турган шаклар Спитаменга чанг солишимизга тўсқинлик қияптилар-ку! Бу ёввойи кўчманчиларга қаттиқ зарба бермасдан туриб, исён тигини кўтарган Мароқанд устига юролмаймиз. Эй, мангу худолар, бу нима деган гап?»

— Ҳой, Аристандр, гапимга қулоқ сол! — деди у жаҳли чиққанидан дарак берувчи ғалати ингичка овоз билан. — Сен ҳам бизга ўхшаб ўладиган оддий одамсан, бас, мангу худоларнинг хоҳишини янглиш тушунган бўлишинг мумкин. Мен аминдурманки, сен айтган сўзлар худоларнинг иродасини тўла ифода этмади. Бошқатдан қурбонлик сўйиб, илтижо қилиб кўр!

Аристандр подшонинг авзойини кўриб, қўрқиб кетди. Кейинги вақтларда Шарқ таъсирига берилиб, юнон худоларига эътиқоди сусайиб қолган Искандардан ҳар нарса кутиш мумкин эди.

Аристандр унинг амрини бажо келтириб, яна бир қўчқорни сўйиб, муножот ўқиди ва худолар Яксартнинг нариги бетига ўтиш мумкинлиги, юнонлар озгина шикаст еб, душманга талафот етказишидан башорат бераётганини айтди. Шакларнинг қаттиқ қаршилиқ кўрсатиши ва улар билан жанг қилишга ошиққан Искандарнинг шикаст ейиши мумкинлигини олдиндан билиш учун қуръачи бўлиш шарт эмас эди.

Худолардан «башорат» бўлгач, бурғу чалиниб аскар тўпланди. Дарёдан сузиб ўтиш учун, ичига похол тикилган мешлар тайёрланди. Искандар отлиқ ва пиёда аскарларига оташин бир нутқ ирод этиб, ватандан шундай узоқ ўлкада душманга зарба бериб, шуҳрат қозонишга даъват этди.

Энг олдин манжанақлардан тош отиб, ўқ ёғдириб, кўчманчиларни қирғоқдан узоқлаштирдилар, сўнгра чап қўлларида тўрт бурчакли қалқон, ўнг қўлларида узун найза ушлаган аскарлар, палақмончилар мешларга миниб дарёдан сузиб ўтдилар ва шаклар билан жанг бошлаб юбордилар. Искандар фурсатдан фойдаланиб, дубулғасида от думи осилиб турган, қизил ридоли суворийлари билан қуйироқдан сузиб ўтди ва кўчманчиларга орқа томондан ҳужум бошлади. Қаттиқ жанг вақтида йўлбошчилари Сатрак ҳалок бўлгач, шаклар палапартиш чекина бошладилар. Жангда қизишиб кетган Искандар уларни икки кунлик ергача қувиб борди, сўнг аскарларига дам бериш учун тошдан ясалган ҳайкаллар қаққайиб турган бир ёнбағирда тўхташга мажбур бўлди. Жангчилар, Искандарнинг ўзи ҳам устини пўпанак босган, четларидан қиёқ ўсиб чиққан кўлмак сувдан ичиб, чанқоқларини босдилар. Орқада қолган пиёдалар етиб келгач, саркардалар сувсизликни, аскарларнинг жуда ҳориганини баҳона қилиб, чекинишга маслаҳат бердилар. Чўлда шакларнинг асосий кучлари билан тўқнашиш уларни ваҳимага соларди. Кўлмак сувни ичган жангчилар бўшашиб қолган, Искандарнинг ҳам мазаси қочган эди. У саркардаларнинг сўзига кириб, чекинишга розилик берди.

Шаклар Искандарни жангга чақирган вақтларида Мароқанд аҳолиси қўзғолон кўтариб, шаҳардаги юнон-македон аскарларининг катта қисмини қириб ташлаб, шаҳар ичидаги мустаҳкам қалъани қамал қилган эдилар. Қўзғолончиларнинг бошида саркарда Спитамен турарди.

Спитамен (Шпитамен) ёшлигиданоқ от миниш, ўқотиш, кийик овлаш билан ўзини чиниқтирган. У жуда шўх йигит бўлиб, қишин-ёзин қор кечиб, ёмғирда ивиб, тоғларда кийик овлагани овлаган эди.

Ёши йигирмага етганда Доро хизматидаги Сугдия сатрапи (ҳокими) Жонусёр уни ҳарбий хизматга чақирди. Уша вақтда зодагонлар ўз бойликлари ва мансабларига қараб ўнлаб, юзлаб хизматкорларини отга миндириб, қуроллантириб, сатрап ихтиёрига келишлари керак эди.

Ёш Спитамен жангларда ўзини кўрсатиб, юқори мансабларга эришди, бора-бора сугдлардан тузилган отлиқ аскарларга бошлиқ бўлиб олди. Адолатли, қўли очиқ бўлгани учун қўл остидаги аскарлар уни яхши кўрар, мард, жанговар бошлиқларининг бир оғиз сўзи билан ўзларини ўтга ҳам, сувга ҳам ташлашга тайёр эдилар. У бошқа саркардалар сингари жангда қўлга тушган ўлжанинг кўп қисмини ўзига олиб қолмас, топганини ўзига тобе одамлар билан баҳам кўриб, уларнинг чеккан машаққатларига, шодлиқларига шерик бўлар эди.

Спитамен бошқа саркардалар каби бойиб кетмаган бўлса ҳам, истаган вақтда ўзига керакли маблағни топа биларди: яхшилик кўрган жангчилар, аскарбошилар ундан ўз ёрдамларини аямас, шу сабабдан у истаганича катта ишни бошлаб юборишга қодир эди.

Бозор кунларининг бирида одатдагидан кўпроқ устига юк ортилган аравалар, отлиқ бозорчилар Мароқанд дарвозасидан кираверишди. Македонияликлар бунга кўп эътибор бермай: «Бугун бозор қизир экан», деб ўйладилар. Аммо кечаси қўлига нима тушса шу билан қуролланган шаҳар аҳли ва бозорчилар қиёфасида шаҳарга кирган Спитамен сарбозлари ғафлатда ётган душман аскарларининг ётоқхоналарига кириб, уларни қиравердилар. Саҳарга қадар ур-йиқит давом этди, кўчалар қонга бўялди. Тонгга яқин шаҳар халқ қўлига ўтди, қўзғолончилар шаҳар истеҳкомини ўраб олдилар ва македон аскарларини таслим бўлишга даъват этдилар. Бироқ жуда баланд девор билан ўралган истеҳком таслим бўлишни истамади.

Орадан бир-икки ой ўтгач, Спитамен аскарбошилар ва тажрибали жангчиларни тўплаб, шаҳар девори остидан оқиб ўтадиган Сиёб сувининг бўйидаги да-

рахтларнинг қуюқ соясида маслаҳат мажлиси чақирди. У бароқ қошларини кериб, палосларда чордана қуриб ўтирганларни бир-бир кўздан кечириб чиқди. Қимматбаҳо матолардан чопон кийган мағрур зодагонлар, аскарбошилар билан бир қаторда жун чопонларининг белини қайиш билан маҳкам боғлаб олган, хом теридан юмшоқ этик кийган қуроли сарбозлар, бошларига намат қалпоқ, эгниларига хом теридан калта энгли камзул кийган кўчманчилар ўтирардилар. Спитамен уларни воқеадан хабардор қилди.

— Айғоқчилар келтирган маълумотларга кўра, Искандар устимизга Андромаха ва Каран бошчилигида бир фаланга, яъни олти минг аскар юбораётган эмиш. Уч-тўрт кун ичида улар шаҳримиз бўсағасига етиб келадилар. На қилайлик?

— Шаҳар аҳолисига жар солурмиз, халқ қўлида бор қурол-яроғини кўтариб чиқсин, қўрғон ташқарисида ғаним билан мардларча олишурмиз, — деди ёш зодагонлардан Вардан. — Е уларни шу ерда қириб ташлаймиз, ё шу қадимий шаҳар бўсағасида ер тишлаб, жон берамиз.

— Мана бу — узоқ ўйламай жанг бошлаб юборадурган мард йигитнинг маслаҳати, — деди Спитамен, кўзлари чақнаётган Варданнинг мағрур чехрасига боқиб. — Тоғдан сел келаётганда бир қишлоқ аҳолисининг йўлини тўсолмайдур. Агар одамлар чап бериб қолмасалар, тошқин сув уларни чирпирак қилиб оқизиб кетгусидир. Бутун Юнонистон, Сурия ва Мисрдан куч тўплаб келган жаҳонгир лашкари устимизга селдек босиб келаётир. Агар биз кўкрак кериб йўлида турсак, бу оқим ўз тўлқини билан бизни нест-нобуд қилиб юборадур. Мардлик кўзни юмиб туриб, ўзни ўтга ташлаш эмас, балки усталик билан иш кўришдир. Биз Зарафшон бўйидаги тўқайларга чекинурмиз, босиб келган душмanning оч биқинига солиб қочғаймиз, кулманг, Вардан, биз қочиб юриб урушгаймиз, юнонларнинг тинкасини қуришиб, кейин тор-мор этгаймиз.

У чўлга чекиниб, кўчманчи массагетларни Искандарга қарши курашга чорлаш режасини батафсил гапириб, ниҳоят ўз фикрини маъқуллаштирди.

Спитамен ўз аскарлари билан Мароқанддан чекиниб, Зарафшоннинг ўнг томонига ўтиб олди, жангчиларнинг бир қисмини қирғоқдаги тўқайда пистирмада

қолдириб, ўзи чўлга чекинди. Каран отлиқ қўшинини дарёдан олиб ўтиши билан тўқайда беркиниб ётган суғд жангчилари уларни ўққа тутдилар. Отлар жон терига ботиб кишнаганларича йиқила бошладилар, оёқлари от остида қолган суворийлар ҳам ўқ еб, ер тишлаб қолавердилар. Шу пайт Спитамен отлиқ қўшини билан келиб, душман устига шердек ташланди. Суғдлар ногора ва бурғулар садоси остида боғ-бўстонларига бостириб кирган ёвни аямай қирардилар. Зарафшон қип-қизил қонга беланиб оқа бошлади. Каран бошчилигидаги аскарларнинг фақат кичкина бир қисми қочиб, дарёнинг сўл қирғоғига ўтиб олишга улгурди, холос. Улар бу ерда турган Андробаха аскарларига қўшилиб, Мароқандга чекиндилар ва шаҳар дарвозаларини беркитиб олишга аранг улгурдилар. Ғалабадан руҳланган қўзғолончилар шаҳарни қамал қилиб, забт этишга ҳозирлана бошладилар. Спитамен эса қўлга тушган ҳисобсиз ўлжаларни аскарларига баб-баравар бўлиб берди.

Бу вақтда Искандар Яксарт дарёсининг сўл қирғоғида узоқ Искандария шаҳрини қуриб битирган ва унга ярадор бўлиб, жангга ярамай қолган жангчилари билан уларнинг бола-чақаларини жойлаштирган эди (жангчилар асир олинган аёлларга уйланган эдилар). Каран қўшинининг тор-мор этилганлиги тўғрисидаги хабар Искандарнинг қулоғига етгач, у бурғу чалдириб, ўз аскарларини тўплади ва шитоб ила исёнкор Мароқанд устига юрди. Яхши қуролланган беҳисоб душман лашкарининг яқинлашиб қолганидан дарак топган Спитамен массагетлардан аскар тўплаш учун қум ичига чекинди. Бир вақтлар Широқ Доронинг аскарларини дашт-биёбон ичига олиб кириб ҳалок қилганидек, у ҳам Искандарнинг аскарларини Қизилқумга алдаб олиб кириб, қириб ташламоқчи бўлди. Бироқ Искандар унинг ҳийласини пайқадими, орқасидан қувиб юрмади, қўзғолончиларга мадад берган қуролсиз қишлоқ ва овулларнинг аҳолисидан ўч ола бошлади, улардан бир юз йигирма минг кишини қилич дамидан ўтказди.

Спитамен ўзига содиқ бўлган олти юз отлиқ аскари билан Зарафшоннинг этагидаги бир кўл ёқасида ўз чодирини қурган эди. Бу ерларнинг табиати сахий, ҳавоси тоза. Кўлда балиқ мўл, атрофдаги бийдек саҳрода сурув-сурув кийиклар юради.

У ўтовда, ўз қўли билан ўлдирган йўлбарснинг

териси устида ўтириб, Мароқанддан етиб келган даракчиси Тахшоддан янги хабар эшитмоқда эди. Ҳали қирққа чиқмаган бўлса-да, чакка сочлари оқара бошлаган қахрамон қуюқ қошларини чимириб, нохуш хабар келтирган митти кўз, паканагина, миқтидан келган Тахшоднинг оғзига тикилиб ўтирар, ташқаридан отларнинг депсиниши, узоқлардан айғирларнинг кишнаши эшитиларди.

— Мен шақлардан умид кутган эдим, Искандарни чўл ичига алдаб олиб кириб, аскарларини қириб ташласалар керак, деб ўйлаган эдим, — деб гапида давом этди юз-кўзини чанг босган Тахшод. — Ҳукмдорлари Сатрак мен ўйлагандек тадбирли ва эҳтиёткор саркарда эмас экан. Юнонийларининг бир қисми қўшинининг орқа томонига ўтганини пайқаб қолиб, ғазаб билан қилич яланғочлаб, аскарларининг олдига ўтиб олди: «Ҳой Искандар, мард бўлсанг, майдонга чиқ, яккама-якка олишамиз!» — деб нидо қилди. Искандар аҳмоқми, ўзидан икки ҳисса бақувват одам билан беллашгани. Унинг амри билан қўшини олға ташланди. Сатрак душман аскарларидан бир нечасини қиличдан ўтказиб, ўзи ҳам ҳалок бўлди.

Кўзига дунё қоронғи бўлиб кетган Спитамен унинг гапини охиригача эшитишни хоҳламай:

— Сугдияда аҳвол нечук? — деб сўради.

— Искандар аскарлари Мароқанд шаҳрини бузиб ташлаб, атрофидаги қишлоқларни ер билан яксон этди. Катта деҳқонлар бирин-кетин Искандар қошига бориб, хизматига кирмоқдалар, аммо тоғ устида мустаҳкам қўрғони бўлган Вахшунварт таслим бўлишни истамай, қаршилиқ кўрсатмоқчи. Ул, сарбозларимга бош бўл, деб мени хизматга чақирган эди, мен кўнмадим.

— Хўп, деганингда мушукдан қўрқиб, қафас ичига беркиниб олган сичқонга ўхшаб қолар эдинг. Ҳозир озод — эркин жангчисан...

— Вахшунвартнинг хизматига кирсам, эҳтимол, мени куёв қилиб оларми эди! Кўҳистонда унинг қизи Равшанакдек гўзал жонона йўқ, — деди Тахшод тим қора кўзларини ўйнатиб.

— Аввало, у сен каби кичик деҳқоннинг ўғлига қизини хотин қилиб бермас эди. Берганда ҳам бой заминдорнинг эрка ўсган эрка қизи сенга вафо қилмас, ўз ёғингга қовуриб, сенга азоб берган бўлур эди. Равшанак сен каби мард йигитга рафиқа эмас,

подшоларга канизак бўлишга лойиқ қиздир. Мен таърифини эшитганман. Искандарни юртимиздан қувиб юборсак, сени ўзингга муносиб бир қизга уйлантириб қўяжакмиз. Хўш, яна қандай хабарлар келтирдинг?

Тахшоднинг айтишича, Искандар аскарларининг бир қисмини Сугдияда қолдириб, ўзи қишлаш учун Зарияспга (Балх яқинидаги шаҳарча) жўнабди. Хоразмшоҳ Фаразман Искандарга ёрдам учун бир ярим минг аскар жўнатибди.

Кейинги хабар бирдан Спитаменнинг қонини қайнатиб юборди. Суғдлар, даҳлар, шаклар ва бошқа халқлар эл-улус бошига тушган фалокатни даф этиш учун жон олиб, жон бераётганларида Хоразмшоҳ душман билан оғиз-бурун ўпишмоқда эди! Шошмасин ҳали у! Спитамен ҳали тирик, суғдлар ва уларнинг иттифоқчилари ҳали қиличларини қинларига солганларича йўқ. Бир кун эмас бир кун хиёнатчи жазосини тортади!

Ғазаб ўти билан ёнган Спитамен даракчисига жавоб бериб, ёлғиз қолгач, ёшгина, кўҳлик хотини ўтовидан чиқиб, эрининг ёнига келди ва худди мушукдек унинг пинжига суқилиб, майин овоз билан:

— Даракчи хушхабар олиб келибдурму? Уйимизга қачон қайтамиз? — деб сўради.

Спитамен хотинидан ҳеч нарсани яширмас эди. Шу сабабдан уни аҳволдан хабардор қилиб, ўз режаларини айтди:

— Қишни шу ерда ўтказиб, кўкламда Зарияспга юриш қилғаймиз. Искандарнинг оч биқинига солиб, танкасини қуритурмиз. Ўтган ёз дарё бўйида унинг бир талай аскарини қириб ташлаган эдик, келаси ёз ундан ҳам кўпини қилич дамидан ўтказажакмиз.

— Жангу жадалдан ҳеч зерикмас экансан-да! — деди хотини қуралай кўзлари устида керилиб турган ингичка қошларини чимириб. — Сочим сафарда оқарадиганга ўхшайдур. Мени ҳеч ўйламайсан! Дарё бўйидаги боғимни, ота-онам, ака-укаларимни соғиниб кетдим-ку! Қани энди, қанотим бўлсаю бу даштлардан ўша бўстонларга учиб кетсам. Уҳ... Қачон Зарафшон бўйларидаги боғу бўстонларда созандалардан куй, хонандалардан ашула тинглаб, дунёнинг роҳатини кўрамиз, а?

Спитамен хотинининг «сочини силаб, вазминлик билан:

— Яна бир оз сабр қил, Зарафшон бўйида зафар шарафига катта тўй ўтказгаймиз, — деди.

— Бол томган тилингдан бир ўпай, — деди хотини эрининг бўйнидан қучиб. — Илоё айтганинг келсин. Сен билан дунёнинг у бурчига боришгайм тайёрман!

— Мана энди ўзингга келдинг, жоним, — деди Спитамен эрининг белидан қучиб. — Ёнимда сендек жуфти ҳалолим бор экан, албатта мен душман устидан зафар қозонажаман.

Вақт худди Зарафшон сувидек ошиқиб оқиб ўтмоқда эди. Кўз юмиб очгунча бир йил ўтди. Кўзларининг атрофини ажин босган Спитамен Қизилқумда, тепа ёнбағрига тикилган чодирда икки қўли билан бошини чангаллаб ўтирар, кўз ўнгидан жанг манзаралари бирин-кетин ўтар, машъаллар ёруғида Бақтра шаҳрига бостириб кириб, македонияликларни қиргани, сўнг чекиниб, массагетлардан мадад олиб, Боғот шаҳрини олгани, Искандар аскарларининг палапартиш чекингани кўз олдида жонларди. Ғалаба қозонган кунлари иттифоқдош уруғларнинг зодагонлари унга ҳамроҳ эдилар, омад қуши бошидан учгач, уни ташлаб кетдилар. Қайнатаси — суғд зодағони Аропий Искандар томонига ўтиб кетгандан кейин хотини тамоман айниб қолди. Бошига оғир кунлар келганда ёстиқдоши уни юпатиш ўрнига яна ҳасрат қила бошлади.

— Тинч қўйсанг-чи, ахир! Нолишларинг қалбим жароҳатларига туз сепаётир. Аввалги хотиним тирик бўлганда ҳозир кўнглимни кўтарган, далда берган бўлурди, — деди Спитамен бошини кўтариб.

— Аввалги хотинингни ҳеч эсингдан чиқаролмайсан. Кўз очиб кўрганинг-да! Илоё, у дунёда ҳам ўша мочағар Ахраман дев чангалидан қутулмасин! У гўрида ҳам тинч ётмай, жонимга азоб бермоқда! Ҳой, эр, менга қара, аввалги хотининг Жонусёрнинг қизи бўлса, мен ҳам Суғдиянинг манман деган атоқли зодагонининг қизидурман.

— Отанг Жонусёр билан қўшмозор бўлсин! Ул Аропий ўзига ўхшаш номардлар билан бирга Искандар олдида тиз чўкиб, оёғини ялаб ётибдур.

— Отамни ҳадеб ерга ураверма, бир кунингга яраб қолар. Агар бош эгиб Искандар қошига борсанг, отам гуноҳларингни ундан сўраб олғай.

— Бас қил! Мен ҳеч қачон душман олдига бош эгиб бормаيمان. Иккинчи бор бу гапни оғзингга олма!

Хотини бир оздан сўнг пушаймон бўлган каби:
— Мени афв эт? Сен қаҳрамонсан, мен бўлсам
ожиза бир аёлдурман, — деди.

У бош эгиб чодирдан чиқиб кетди. Спитамен
отасини ерга ургани учун эмас, балки биринчи
хотинини армонли бир ҳурмат билан эслагани учун
унинг фиғони чиқиб кетган эди. Кечгача ўзини қўярга
жой тополмай, чўғ босиб олгандек типирчилаб юрди.
Юрагига кирган рашк илони ичини кемирар, уни
жиноят сари етакларди.

Отаси Аропий унга махфий хатлар юбориб:
«Спитаменни яхшиликча бизга таслим бўлишга
кўндир, буни уддалай олмасанг, унақа эрнинг баҳри-
дан ўт!..» деб ёзганди. Спитамен эса хотини ҳар сафар
таслим бўлиш тўғрисида гап очганда сапчиб тушар,
аччиқ-тиззиқ гаплар билан уни узиб оларди. Эрининг
бугунги гапи ёш жувоннинг қалбига ханжар каби
санчилиб, юрагида битмас жароҳат қолдирди.

Спитамен кечки овқатдан кейин донг қотиб ухлаб
қолди. Мағлубият ва йўл азоби уни қаттиқ чарчатган
эди. Хотини эса унинг ёнида ухлаёлмай чодир
шифтига кўз тикиб ётарди. Ярим кечада, бутун
лашкаргоҳ уйқуга кетгач, ташқарига чиқиб, бир
айланиб келди-да, ўртадаги устунга осиглиқ қилишни
қинидан аста суғурди ва бир зарб билан эрининг
бошини танидан жудо қилди. Сўнг бир лаҳза юзини
тескари ўгириб турди-да, титраган қўллари билан
эрининг бошини хуржунга солиб, ташқарига олиб
чиқди. Эшикда икки от билан унинг кекса хизматкори
кутиб турарди...

Ўрта Осиё халқлари қаршилигининг улуғ тимсоли
бўлган Спитаменнинг калласини оёғи остига келтириб
ташлаганларидан кейин Искандар ҳаяжонга тушиб:

— Бундай қаҳрамон ҳар юз йилда бир марта
туғилади, уни алоҳида иззат-ҳурмат билан кўминг-
лар! — деди. — Ҳаммамиз ҳам ўйинқароқ болага
ўхшаган мангулик қўлида ўйинчоқмиз. У улуғ одам-
ларнинг каллаларини тахтага териб, у ёқдан-бу ёққа
суриб ўйнайди, бутун оламнинг подшоси ўша бола, биз
унинг пиёдаларимиз!

У бошини қуйи солганча чодирга кирди-да, бир қа-
даҳ май келтиришни буюрди.

Искандар қишни Навтоқда ўтказиб, илк баҳорда
Ҳисор тоғларидаги энг мустаҳкам қалъани — Суғд

қалъасини забт этишга ҳозирлик кўра бошлади. Суғд зодагонларидан Вахшунварт бу қалъани мустаҳкамлаб, ўзига қарашли одамлар билан беркиниб ётарди. Қалъа тик қоятош устига қурилган, унинг баланд деворлари ҳам тошдан, юқорига шоти қўйиб чиқиш амримаҳол, манжанақдан тош отиб деворларини бузиб бўлмас эди...

Искандар ўз аскарлари билан бу истехкомга етиб келганда ҳалиям теварак-атрофдаги қор эриб битмаган, кундуз кунлари ҳаво илиб, баҳор шамоли эсса-да, тунги изғирин ерни музлатарди.

Искандар соқчилар бошлиғи Птолемей билан бирга қор кечиб, қўрғонни айланиб чиқди. Бу ерда қалъа деворларини тешадиган ғалтакли таранлар билан ҳам бир иш чиқариб бўлмасди. Жаҳонгир чуқур ўйга ботиб, калласини чайқаб қўйди. Сўнг шахдам қадам босганча қалъа дарвозаси олдида турган аскарлар ёнига келди. Душмanning кучини синаш учун бу ерда турган манжанақлардан тош отишни ва узун қалқонлар орқасига яширинган пиёда аскарларига ёлғондака хужум бошлашни буюрди. Бироқ қалъа деворлари устида турган суғдлар палақмонлардан тош, камонлардан ўқ ёғдира бошладилар, юнон пиёдалари эса бир неча сафдошларидан ажраб, орқага чекинишди. Девор тепасидаги ҳимоячилардан бири баланд овозда:

— Ҳой Искандар, қанотли аскарларинг бўлса, бу қалъани олғайсан, йўқса, овора бўлма!— деб кулди.

Арзимаган гапга ҳам ғазабланиб кетадиган Искандар тишларини ғижирлатиб қўйди. Нима қилиб бўлса ҳам иззат-нафсини ҳақорат қилаётгандек қаққайиб турган бу истехкомни забт этишни кўнглига тугди. У саркардалари ва тажрибали кекса аскарларидан бир неча кишини чақириб кенгаш ўтказди. Саркардаларнинг баъзилари Суғд қалъасини узоқ қамал қилиб, ҳимоячиларни оч қолдириш ва шу йўл билан бу қўрғонни олиш мумкинлигини айтдилар. Сабрсиз жаҳонгир уларнинг гапини маъқулламай, афтини бужмайтириб ўтирди. Кекса аскарлардан бири сўз сўраб, хужум билан олиш мумкин эмас, деб ҳисобланган қўрғоннинг орқа томонидан тирмашиб чиқишни маслаҳат берди. Искандар бу оддий жангчининг содда сўзларига қулоқ соларкан, юзи борган сари ёришар, кўзлари чақнар, саркардадан эмас, оддий жангчидан шундай маслаҳат чиққанига севинарди.

Кенгашдан сўнг Искандар чодир иплари тортиб

боғлаб қўйилган ҳамма темир қозықларни бир жойга тўплатди. Аскарларини йиғиб, қисқача нутқ ирод этгач, шу қалъага биринчи бўлиб чиққан кўнгиллиларга жуда кўп пул ва катта лавозим ваъда этди. Жангчилардан уч юз киши бу хавфли ишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Қоронғи тушиши биланок қўрғон ҳимоячиларини чалғитиш учун юнонлар дарвоза томондан ҳужум бошладилар, тонггача тош отиб, шовқин-сурон кўтардилар. Қалъанинг орқа томонида эса уч юз аскар бир-бирларининг елкаларига миниб, ундан сўнг шоти қўйиб, тик қояга темир қозық қоқа бошладилар. Тепагача қозық қоқиб чиқиш эпчил ва ёш жангчилар учун ҳеч гап эмасди. Тонгга яқин бир неча бақувват ва эпчил аскар юқорига чиқиб олишга муваффақ бўлди, улар пастга арқон ташлаб шерикларини ҳам тортиб чиқара бошладилар. Уч юз кишидан ўттиз чоғли киши йиқилиб, ҳалок бўлди — юмшоқроқ ерга қоқилган қозықлар, гарчи уларнинг тагига сув сепиб музлатилган бўлса-да, одамларнинг оғирлигини кўтаролмай, тушиб кетган эди.

Юзлаб қуролли аскарлар тонг ёришиши биланок қалъа деворлари тепасида туриб, рўмолларини худди қанот сингари силкита бошладилар.

Искандар пастдан туриб, дарвоза тепасидаги ҳимоячиларга гап қотди:

— Ҳой, анқовлар, кўряпсизларми, менинг қанотли аскарларим орқа томондан қалъангизга чиқиб олдилар, энди яхшиликча таслим бўлинглар!

Дарвоза тепасида турганлар, юқорида рўмолларини силкитиб турган македонияликларни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолдилар.

Ҳаммадан бурун Искандар томонига ўтиб кетган хоин Аропий дарвоза томон борди-да, қўлини оғзига қўйиб:

— Вахшунвартни чақириб беринглар, гапим бор?! — деб қичқирди.

Дарвоза тепасида ёши элликларга бориб қолган қора соқол, чиройли бир киши пайдо бўлди. Аропий у билан сўрашиб бўлгач:

— Вахшунварт, эски дўстлигимиз ҳурмати, сўзимни ерда қолдирма, подшоҳи рўйи заминга таслим бўл. Мен ундан гуноҳларингдан ўтишини сўрайман, — деди.

— Агарда менинг ва одамларимнинг бир қошиқ қонимиздан ўтса, таслим бўлурмен.

— Дарвозани очиб берсанг, Искандар бир одамнингнинг ҳам бурнини қонатмағай.

Вахшунварт дарвозани очтириб, Искандарнинг қошига келди-да, тиз чўкиб, ўзини унинг ихтиёрига топширди.

Маҳаллий зодагонлар билан ярашиб ўз мавқеини мустаҳкамлаш ниятида бўлган Искандар ҳеч кимнинг қонини тўкмади ва молига ҳам дахл қилмади. Қалъада жон сақлаб келаётган зодагонлардан, бир нечаси ўртада туриб, Вахшунвартнинг қизи Равшанакни Искандарга олиб бермоқчи бўлдилар.

— Бир қизим эмас, ўн қизим бўлса ҳам жаҳонгирга беришга тайёрдурман! — деди Вахшунварт ялтоқланиб.

Искандар қизни кўрмоқчи бўлди.

Энагалар Равшанакни ювинтириб-кийинтириб, шоҳнинг истиқболига олиб чиқдилар.

— Мен Роксанани¹ жория эмас, хотин қилиб оламан, — деди Искандар, қаршисида чиройли бошини роз кўтариб, мағрур турган қора кўзли, лола юзли гўзалга суқланиб боқаркан.

Катта тўй-томоша итилочилар билан зодагонларни яраштирди. Искандар ёш хотини билан Мароқандга қайтиб келди-ю, Аропийни хўжакўрсинга подшоҳликка кўтариб, мамлакатнинг бутун инон-ихтиёрини македонияликларга топширди-да, ўзи Ҳиндистон сафарига отланди.

¹ Юнонлар Равшанакка Роксана деб ном берган эдилар.